



# Ўзбекистон — келажаги буюк давлат


# ЖАЛД СЎЗИ



1998 йил 9 сентябрь чоршанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 182 (1963)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Ислам Абдуганиевич, Миллий байрам — Мустақиллик кунини муносабати билан Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистон Республикаси халқини сизидан муборакбод этаман.

Роберт Кочарян, Арманистон Республикаси Президенти

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Ислам Каримов, Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами — Мустақиллик кунини муносабати билан Сизга ва қардош ўзбек халқини сизидан муборакбод этаман.

Хайдар Алиев, Озарбайжон Республикаси Президенти

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами нишонлангани муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига сизидан самимий қутловлар йўллаш менга зўр мамнуният бахш этди.

Сиз, Жаноби Олийларига сиза-саломатлик ва бахт-саодат, қардош халқингизга эса тараққиёт ва раванқ тилаб, энг зўгу истаklarини изҳор этаман.

Камоли эҳтиром билан,  
Муҳаммад Хусний Муборак,  
Миср Араб Республикаси Президенти

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Мамлакатингизнинг Миллий кунини муносабати билан, шаҳсан ўз номидан, Австралия ҳукумати ва халқи номидан Сизга, Ҳукуматингизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига қутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этди.

Сэр Уильям Дин, Австралия генерал-губернатори

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами нишонлангани муносабати билан шаҳсан ўз номидан, Тунис ҳукумати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларини ҳамда сиза-саломатлик ва бахт-саодат, қардош ўзбек халқига эса тараққиёт ва раванқ тилаб билдирган энг зўгу истаklarини йўллаш менга катта мамнуният бахш этди.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мамлакатларимиз ўртасида ўрна-тилган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари бундан буюн ҳам мустақамланади, деб ишонч билдиришни, шунингдек, халқларимизга бундан буюн ҳам раванқ тилашни истаймман.

Зайид Обидин бин Али, Тунис Республикаси Президенти

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига бундан буюн ҳам раванқ ва шаҳсан Сизга бахт-саодат тилаб билдирган самимий ва энг зўгу истаklarини изҳор этишга ижозат берганини.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро манфаатли асосда ва Ер юзидан тинчлик манфаатлари йўлида бундан буюн ҳам ривожланиб, жадал туси олиб бераверилиши ишончим комил бўлгани ҳақида Сизга бўлган гоат юксак эҳтиромимни яна бир бор изҳор этиш учун шу имкониятдан фойдаланаман.

Киро Глигоров, Македония Республикаси Президенти

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистоннинг саодатли Мустақиллик кунини муносабати билан Қувват халқи ва шаҳсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст халқингизга эса тараққиёт ва раванқ тилаб билдирган бағоят самимий тилаklarини йўллаш менга жуда катта мамнуният бахш этди.

Жобир ал-Аҳмад ал-Сабох, Қувват Давлати Амيري

## ЖАЛҚАРО АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

БОКУ. 8 сентябрь. (ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади).

Озарбойжон пойтахтидаги "Гулистон" саройида "Буюк Ипак йўли"ни қайта тиклашга бағишланган жалқаро конференция бўлиб ўтди. Уни Озарбайжон Республикаси Президенти Хайдар Алиев очди. Анжуманда ўттиздан зиёд давлат ва кўғлаб халқлар ташкилотлардан вакиллар иштирок этди. Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш борасида ўтказилган ушбу анжуман нафақат Европа, Кавказ ва Осиё, балки бутун дунё мамлакатлари учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Чунки Машиқ ва Марини бир-бири билан энг қисқа йўналиш бўйича боғловчи ушбу йўл бутун жаҳон иқтисодийтини юксалтиришга хизмат қилади. Шу бонс Евроосиё транспорт йўли — ТРАСЕКА дастури доирасида амалга ошириладиган ишларга ушбу дастурга аъзо давлатлар билан бир қаторда, бошқа мамлакатлар ҳам катта қизиқиш билдираётди.

Анжуманда ТРАСЕКА

дастури доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлини ривожлантириш йўлидаги ташаббус ва сазй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ТРАСЕКА йўлини ривожлантириш учун ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустақамлаш, мазкур дастурни амалга оширишда иштирок этиш механизмларини мувофиқлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сўзга чиқди. Давлатимиз раҳбари Европа-Кавказ-Осиё йўлини тезроқ тўла қувват билан ишта тушириш халқаро интеграция йўлида муҳим аҳамият касб этажанини таъкидлади. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари мазкур йўлни ривожлантириш бевосита минтақавий тинчликни таъминлаш, мамлакатлар иқтисодийтини янада юксалтиришда бемисл самара беражанини алоҳида қайд этди.

Халқаро конференция сўғида бир неча муҳим ҳужжатлар имзоланди. Ев-

ропа-Кавказ-Осиё йўлини ривожлантириш бўйича жалқаро транспорт тўғрисидаги кўп томонлама Битим, Боку декларацияси ана шулар жумласидандир.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Президент Ислам Каримовнинг Бокуга ташрифининг иккинчи кунини ҳам икки томонлама учрашуларга бой бўлди. Мамлакатимиз раҳбари Украина Президенти Леонид Кучма, Руминия Президенти Эмил Константинеску билан учрашди. Учрашуларда ТРАСЕКА дастури доирасидаги ҳамкорлик, шунингдек, ўзаро ҳамкорлик алоқаларига доир масалалар ҳуусида сўз борди.

Шу кун Президент Ислам Каримов Тошкентга қайтиб келди. Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. (ЎзА)

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга аълочи, фидойи талаба ва аспирантларнинг «Янгича яшаш ва ўқиш» республика семинар-учрашуви қатнашчиларининг МУРОЖААТИ

Мухтарам Ислам Абдуганиевич! Олий Мажлис XII сессиясида «Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови» мавзусида қилган маърузанингиздан келиб чиқадиган долзарб вазифаларни муҳокама қилиш учун республика семинар-учрашувига йилгизган биз — аълочи, фидойи талаба ва аспирантлар — Сизни буюк тарихий воқеа — Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллиги билан чин қалбдан самимий табриқлаймиз.

Ҳар бир даврнинг ўз вазифалари ва ўз қаҳрамонлари бўлади. Бизнинг давр — миллатимизнинг тарихан қайта тикланиши, янги жамият барпо этиш даври. Инсонга, унинг билими, маънавиятига алоҳида эътибор қаратиладиган давр.

Биз, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросида, унинг ёш авлодида барча эзгу фазилатлари намойиш этиш борасида Сизнинг доимий ғамхўрлигинизни чин юракдан миннатдорчилик билан қабул қиламиз.

Сизни ишонтириб айтганимизки, биз бутун гайрат ва ишжўрагимизни, билим ва эътиқодимизни келажак буюк давлатини қуришга бағишлаймиз. Бу олий мақсадни биз ўқув юрталарида ташкил этиладиган «Фидойи ёшлар» клублари фаолиятида иштирок этиш орқали ҳам амалга ошириб биламиз.

Биз билимларни мустақам эгаллашда барча имкониятлардан фойдаланамиз, бозор шароитида яшаш ва ишлашга лойиқ юқори малакали мутахассислар бўлиб етишамиз, ташаббускорлик, тиришқоқлик, мақсад сари иштирокида собитқамлик курсатамиз.

Ўқини жараёнида ва амалий фаолиятида жаҳон ахборот тизимларига йўл очадиган ҳозирги замон компьютер техникасидан унумли фойдаланишни кўп билан ўрганимиз, хорижий тилларни пухта эгаллаймиз.

Ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий давлат қуриш учун барча куч ва қобилиятимизни сафарбар этамиз.

Хурматли Ислам Абдуганиевич! Биз ўзимизнинг яшаш жойларимизга, ўқув масканларимизга қайтган, ушбу семинар-учрашуда кўтарилган масалалар, мустақиллик йилларида бениҳоя ўсиб, янаба кетган Ватанимиз пойтахти, унинг янги қурилишлари, кўчалари, музейлари, гўзал боғлари ва Тошкент аҳолиси билан бўлган самимий учрашулардан олган таассуротларимизни курсодларимизга, қариндош-уруқларимизга ва барча дўстларимизга сўзлаб берамиз.

Сизга саоватли ишларингизда катта ютуқлар, узоқ умр, сиза-саломатлик ва бахт-саодат тилаймиз. Республика семинар-учрашуви қатнашчилари.

## АКС САДО ХАВОТИРЛАНИШГА АСОС ЙЎҚ

масалалардан биридир. Бунинг учун коммуникация тармоғини кенгайтириш, ўзаро ҳамкорликда ТРАСЕКА лойиҳасини тезроқ рўёбга чиқариш алоҳида аҳамият касб этди.

Ҳозирги кунда Россияда келатган иқтисодий инқироз ва унинг оқибатлари кўпчиликни қизиқтираётганлиги, шубҳасиз, Президентимиз бу ҳуусида ўз нуктаи назарини баён қилиб, хавотирланишга ҳеч қандай асос йўқлигини таъкидлади. Чунки биз Россиядан озиқ-овқат эмас, асосан ишлаб чиқариш воситалари сотиб оламиз. Қолаверса, ҳукуматимиз иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун барча чораларни кўрмоқдаки, бу эл-юрт фаровонлиги ҳақида катта ғамхўрликдан далолатдир. Учрашудан шундай ҳулоса чиқди: бизда озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари захираси етарли. Улар таъминотида узилиш бўлишига йўл қўйилмади. Бу айни халқимизнинг диллиги гап бўлди.

Ж. ЖУМАНИЕЗОВ, Богот туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги бошқаруви раҳбаридир. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Буюк Ипак йўлини қайта тиклашга бағишланган жалқаро конференцияда иштирок этиш учун

Озарбайжон Республикасига жўнаб кетиш олдидан оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашувида сузларини барчамиз жон қўлогимиз билан эшитдик, матбуотга ўқидик. Мамлакатимиз ҳукумати олиб бораётган сиёсатининг нақадар турғунлиги, буюк давлат қуриш йўлидаги сазй-ҳаракатлар беркор кетмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, уни янада юксалтириш йўлида янги қадамлар қўймоқда. Ўртаимнинг жалқаро миқдосдаги инфузю кундан-кунга ортиб борапти.

Шу кунларда Россия бошдан кеңираётган иқтисодий инқироз ва унинг атрофидаги гап-сузлар барчаннинг диққат эътиборида туртибди. Бу беқорға эмас. Чунки Россия атрофидаги докларнинг Ўзбекистонга қандай таъсири бўлиши мумкин, деган савол кўндаланг турганидир.

Мамлакатимиз раҳбари катта ишонч билан хавотирланишга ҳеч қандай ўрин йўқ, деди. Ўртбўшимиз бу сузни далиллар билан исботлаб берди.

Ойбек РАҲИМОВ тайёрлади.

## ҚУРИЛИШ БОЗОР ДАРАЖАСИДА БЎЛСИН

1998-2000 йилларда қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида дастура мувофиқ ҳамда ҳукуматнинг тегишли қарорига биноан капиталда қурилишда иқтисодий ислохотларни ўтказишни мувофиқлаштириш бўйича махсус республика комиссияси тўзлаган эди.

Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир, мазкур комиссия раиси Ў.Султонов бошчилигида республиканинг қурилиш мажмуиди бозор муносабатларини шакллантиришга бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимининг қурилиш бўйича масул ўринбосарлари иштирок этди.

Бош вазир ўринбосарлари, комиссия аъзолари В.Чжен ва Б.Ҳамидов қурилиш соҳасида бозор ислохотлари ўтказилиши жараёни ҳақида маълумот берди.

Мажлисда қурилиш соҳасидаги бозор ислохотлари бугунги кун талабига жавоб бераётгани қайд этилди. Бинобарин, ташкилий тузилмаларни тубдан ўзгартириш, пудрат ишлари бозорини шакллантириш ҳамда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш билан жидий шуғулланиш, сармоа лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга алоҳида эътибор қаратиш, мазкур соҳанинг нарх белгилаш механизмини ҳамда мелёр-техник базисини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу ўринда капитал қурилиш сифати устидан зарур назорат ўрнатилиши, мелёр ва қондаларга риоя қилиниши, илгор технологияларнинг этилиши, барча иш бурюртчи ва пудратчи ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилиши лозим.

Мажлис иштирокчиларига комиссиянинг ҳукумат қарорларини бажаришга доир қарорини Ўзбекистоннинг барча қурилиш ташкилотлари жамоаларига етказиш ҳақида топшириқ берилди. (ЎзА)

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида ўзга баргини тўқтириш, пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олиш ва кузги бошоқан дон экинлари экинга тайёрлаш қўриш масалаларига бағишланган сиз орқали кенгаш бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши Раиси, вилоят ва туман ҳокимлари, вазирлар, тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазир Исмоил Жўрабеков бошқари.

Таъкидлангани, ўтган йили гўза дефляциянинг маъносида йўл қўйилган ҳато ва камчиликлар натижасида айрим ҳўжалиқларда етиштирилган ҳосил тўла йиғиштирилмай қолди. Ваҳоланки, даладарда зарур миқдорда пахта ҳосили етиштирилган эди. Ҳўза баргини тўқтириш ишлари кечикиб амалга оширилгани 70 туман, 693 ҳўжалиқда белгиланган режа бажарилиб қолгани асосий сабаб бўлди. Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасидаги қўшгина туман ва ҳўжалиқ раҳбарлари олинган ҳамда мутахассисларнинг таълиф ва тилабларига етарли эътибор бермадилар. Дефляция 10-15 кун кечикиб бажарилиди. Натижада етиштирилган ҳосилнинг миқдори қисми бой берилди.

Бу йил мазкур ҳатоларни тасдиқлаш мақсадида, тажрибали деҳқонларнинг таълифлари асосида гўза баргини тўқтириш муддатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан таъкидланди. Дефляцияни ўтказишни ташкил этиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклатилди. Лекин жойларда ўтказилган таъкириш натижалари шунини кўрсатмоқдаки, бир қанча вилоятлар, туманлар раҳбарлари бу талбирга жорий йилда ҳам жидий эътибор бермаётди.

жарийлаштири.

Кенгашда қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари И.Бобожонов Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни узоққоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида ва 1999 йил ҳосили учун кузги бошоқан дон экинлари экиннинг ташкилий чора-тадбирлари, уларни етиштириш ва давлат хариди ҳўжмари тўғрисидаги қарорлари асосида амалга ошириладиган ишлар тўғрисидаги ахборотни тингладди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимлари бу борда жойларда қандай ишлар бажарилаётганлиги тўғрисида маълумот бердилар.

«Ўқинишқўўжалиқтаъминотунатиш» давлат кооператив қўмитаси раиси Б.Олимжонов, «Ўзгўрқиметпаёниот» бирлшмаси раиси Т.Ошмонов ҳўжалиқларнинг техника воситаси ва эҳтиёт қисмлари, шунингдек, қимбўйи ўғитлар билан таъминлаш ишлари қандай бораётгани тўғрисида сўзлашди.



Кенгашда барча даражадаги раҳбарлар жойларда бу бордаги маъжуд муаммоларни ҳал этишда юксак ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатишлари зарурлигига эътибор қаратилди. Пахтани ўз вақтида йиғиштириб олиш, ҳосилдан бўшаган ерларни пешима-пеш шудорлаб, бошоқан дон экинлари экинни таъминлаш учун барча имкониятларни ишта солиш лозимлиги қайд этилди. Кенгашда Президентнинг Давлат маъсалаҳчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Б.Ҳамидов, М.Усмонов иштирок этди. (ЎзА)

## ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ



Қисқа муддатда Гулистоннинг қиёфаси тамоман ўзгариб кетди. Кенг, раvon кўчалар, янги-янги маъиший хизмат кўрсатиши ишоотлари, унинг кўрғак-кўрк қўйди. Қурувчилар мустақиллик байрами шўбёналарини катта меҳнат тўғфалари билан қаршиладилар. Янги спорт комплекси, қўша-қўша маъиший хизмат кўрсатиши ишоотлари, колхоз бозорлари, маъмурий бинолар ана шулар жумласидандир.

## БУГУНГИ ГУЛИСТОН



Сирдарё вилоятининг маркази Гулистонни ҳавоаларга бурканган шаҳар деса, муболага бўлмас. Бу ерда ҳозир катта ҳажмда қурилиш ишлари амалга оширилмақда. СУРАТЛАРДА: (юқоридан) Асакабаннинг виллоят бўлими биноси, автосалон, никҳоз саройи, диктор, шаҳар марказида қуриладиган болалар боғи акс этган. Р. ЖАПАРОВ олган суратлар.

ҚАРОР ВА ШАРҲ

Маълумки, бу йилги пахта ҳосили ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олинишни таъминлаш, пахта маҳсулоти ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «1998 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

— Аввало шунга айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори ўз вақтида қабул қилинган катта аҳамиятга молик ҳужжатдир. Унда бу йилги пахта йиғим-теримининг ташкилий томонлари, қайси вазирлик ва ташкилот нималарга эътибор бериши зарурлиги аниқ белгилаб берилган.

да тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни мунтазам амалга ошириш бормоқда. Хабарингиз бор, қарорда жаҳон бозорига пахта толасига қўйилаётган нарх, қайта ишлаш ва транспорт харажатларини ҳисобга олиб, 1998 йил ҳосили пахта хомашёсига ўртача харид нархи 1 тоннаси учун 24 минг 300 сўм миқдоридан

мида 135 сўм, тўрт қаторли машинада қатилганда - 85 сўм, икки қаторли горизонтал шпинделли машинада терилганда камидан 45 сўм, қўлла терилган 1 килограмм пахта учун камидан 5 сўм, ингичка толали пахта учун камидан 6,5 сўм ҳақ тулаш ҳуқуқимиз қароридан белгилаб қўйилган. Шуниси муҳимки, хўжаликлар раҳбар-

Бу йил ўтган йилги хатони қайтармаслик учун «Ўзимбе-санот» уюшмаси билан биргаллик республикада ишлаб чиқарилган хлоралмагнийдан фойдаланиш бўйича зарур чораларни кўриш ва хўжаликларга етарли миқдорда тарқатиш. Дефолиацияни сифатли ўтказиш учун виллоятларда маҳсус семинарлар уюштирилди.

Мамлакатимизда бугунги кунда 9871 та пахта териш машиниси бор. Уларни мавсумга тайёрлаш борасида «Ўзқишлоқхўжаликмаш-ҳолдинг» компанияси ва «Ўзқишлоқхўжаликмашино-тузатиш» давлат-кооператив

Бу йил республикада 1 миллион 500 минг гектар ерга пахта экилди. Ундан 416 минг гектари Андижон усули бўйича плёнка остида етиштирилди. Асосий эътибор пахтанинг эрта-пишар, тола чиқиши юқори, касалга бардош берадиган, ҳар бир виллоятнинг туپроқ-иқлим шароитига мос навларни экинга қаратилди. Чунки бу ҳосилини барвақт ва неснобуд қилмасдан йиғиштириб олиш имконини беради.



ПАХТАКОРГА ҲАММА МАДАДКОР

Бундан ташқари, мамлакатимизда 1 миллион 300 минг гектар ерга галла экилади ва шундан 30-40 фоиз гуза орасига экиладиган майдонлардир. Шу сабабли пахта ҳосилини эртароқ йиғиб олиб, донли экинларнинг ўз вақтида экилиши учун шарт-шароитларни кўриб чиқиш зарур.

белгиланди. Ҳақини, бу хўжаликларнинг иқтисодий ривожланиши учун муҳим омил бўлади. Хўжаликлар «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси корхоналарига топширган пахтасининг 90 фоизи ҳақини дарҳол олади. Қолган 10 фоизи мавсум якунланиб, хўжалик шартномада белгилаб берилган режими удалагандан кейин ҳисоб-китоб қилинади. Бу ҳам пахтани тез ва сифатли йиғиштириб олишга туртки бўлиши, шубҳасиз.

ларнинг эътибори мавсумнинг дастлабки кунлариданоқ теримчиларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш, сифатли терим учун энг юқори ҳақ тулаш ва бу билан юқори навли пахта териб олинишига эришиш зарурлигига қаратилган.

қўмитаси томонидан тегишли ишлар амалга оширилиб, техниканинг 90 фоизи мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Қарорда ҳам 10 сентябрьгача пахта териш техникасини, юклаш-ташиш воситаларини тўлиқ тайёрлаш,

териш ва транспорт гуруҳларини механизаторлар билан таъминлаш лозимлиги белгилаб берилган. Шунингдек, мавжуд 191 та «Кейс» пахта териш машиналаридан ишлайдиган механизаторлар, техник хизматчилар учун маҳсус ўқитиш ташкил этилди. Бу йил 900 минг тоннага яқин пахтани машиналар ёрдамида териш олиш ниятидандир.

Қарорда бизнинг вазирлигимиз, «Ўзқишлоқхўжаликмашино-тузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзбекишхоқхўжаликмаш-ҳолдинг» компанияси зиммасига пахта йиғим-терими мавсумини муваффақиятли ўтказиш бўйича қатор вазифалар юклатилган. Вазирлигимиз бу ташкилотлар билан биргаллик

Хўзир етиштирилган ҳосилини ўз вақтида, ёгин-сочинли кунларга қолдиримай, тез ва соз йиғиб олиш мақсадида механизатор ва теримчиларни моддий рағбатлантириш, ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунончи, икки қаторли вертикал шпинделли пахта терим машинасида терилган 1 тонна пахта учун ка-

Хўзир кунда олдимизда турган асосий вазифа гуза баргини тўқитиш сифатли ўтказишдир. Чунки ўтган йилги бизнинг шароитга мос келмайдиган «Дроп», «Дроп-ультра» каби дефолиантларнинг ишлатилиши бу тадбирнинг белгилаб берилган амалга оширилишига имкон бермади.

Хўзир қилиб айтганда, Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ўзининг самарасини бермоқда. Хўжалик юрतिшининг янги усуллари жорий этилиб, деҳқонларимизда ерга, мулкка бўлган муносабат ўзгармоқда, боқимандалик кайфияти йўқолмоқда, ташаббускорлик ва тадбиркорлик ҳислатлари уйғонмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги янада ривож топиши, эл-юрт дастурхони янада тўқин бўлишидан далолатдир.

Бехзод УСМОН, ЎЗА мухбири.

**НОГИРОНЛАР УЧУН АРАВАЧАЛАР**  
Илагари Юқори Чирчиқ туманидаги «Санлайт» ўзбек-хитой қўшма корхонаси велосипедлар ишлаб чиқараётгани ҳақида хабар қилгандик. Ҳозир корхона мутахассислари

ногиронлар аравачалари тайёрлашни ҳам ўйлаб қўйишди. Унинг тажриба учун йиғилган дастлабки нуҳазлари ногиронларга маъқул бўлди. Юртимизда 300 минг нафар одам ана шундай аравачаларга муҳтож. Ҳозирча аравачанинг қисмлари Хитойдан келтириляпти.

**АФЗАЛ ВА АРЗОН**  
Наманган қурилиш материаллари корхонаси пластмассадан қопламалар тайёрлашга киришди. Илагари ҳам, ҳозир ҳам бундай маҳсулотга эҳтиёж катта. Шу боис ишлаб чиқарилган маҳсулот оғирликларга тушиб қолаётгани йўқ.

И. ТОШЕВ.

**«ОСИЁ-ИНВЕСТ БАНК»**  
ЎЗБЕКИСТОН МОСКВАДА ОЧГАН БАНК ИШОНЧЛИЛИГИГА ҚОЛМОҚДА  
Чамаси, Россия банкларининг аксарияти миқозлар ишончидан маҳрум бўлган кўринади. Россия банк тизими шундай танг аҳволга тушиб қолдики, уни бартараф этиш учун ҳали анча вақт керак. Ҳозирча Россия молия дегенда авж олган туффонда бу мамлакат банклари бирин-кетин гарқ бўлаётти. Кўпгина миқозлар қайси банкка ишонини билмай, бошлар қотган. Бирок ана шундай танг вазиятда ҳам Москвада бир маромда ишлаб, молия операцияларини бажарётган, тўловлар ўтказётган банк мавжуд. Бу «Осиё-инвест банк» акциядорлик тижорат банкидир.

**5 сентябрь кунини Қашқадарё виллоятининг қишлоқ хўжалиги ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори юзасидан семинар-кенгашлар ўтказилди.**  
Виллоятнинг Бахористон туманидаги Сулаймон Муродов номи жамоа-ширкат хўжалиги ва Муборак туманидаги «Гулистон» жамоа-ширкат хўжалигида бўлиб ўтган амалий кўргазмани бу кенгашларда пахта йиғим-теримига тайёргарлик, дефолиация бўйича олдинда турган вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

**БАНК МИҶОЗЛАРИНИНГ МАНАФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**  
Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки  
Ўз миқозларининг омонатлардаги пул маблағлари тўғрисидаги маълумотларни сир сақлашига ва омонатларини ўз вақтида миқозлар талабига биноан берилишига кафолат беради.  
Халқ банки доимо Сизнинг хизматингизда!  
Ўзбекистон Республикаси халқ банки

Ўз мухбиримиз.

ФАХР ЭРТАК ЭМАС, ҲАҚИҚАТ

Қадимиларнинг нақл қилишларича, илгари юртимиз тулпорларининг қаноти бўлган экан. Уларни авлодларимиз чавандозлари «Тулпори ажиб» деб сифатлар эканлар. Эмишки, ўша замон одамлари ҳам ўзгача инсон бўлиб, йиғитлари пахлавон, кўллари узун, кўзлари чирок, киприклари найза, эпчил ва хушёр экан. Қизларининг тилида тиғи, кўксидан қолқони бўларкан, болалари эркин, соғлом ўсаркан. Аммо ўша пайтларда ҳам инсонга осмон узок, ер қоттиқ бўлса ҳамки, беҳишту жаннат шундоққина оналарнинг оғи остида тураркан. Бора-бора бу тушунча кўз илғамас, хаёл етмас олис-олисларга кетганмиш. Негаки, оқ, қизил, жаҳонгирлар доврида яқин-яқинларда ҳам фуқаро оғи санжирисиз кишидан қабул бўлиб «бос» деса босаркан, фикри тўрси қафасда, тили эса, тўтиқуш янги «сайра» деса сайраркан.

Бу эртак эмас, ҳақиқат. XX асрнинг сўнги ўн йиллигида ўзбекистон пешонаси ярқираб келди. Дунё харитасида Мустақил Ўзбекистон деган давлат пайдо бўлди. Ва фидойи, халқларвар Президент Ислам Каримов бошчилигида дунёвий давлат тузишга киришди. Маълумки, яқка-жуфт-жуфт, ҳатто жамоат ҳам бўлиб Тангридан толе тиладик, хуфя ва ошқора курсошдик, не-не ўғлонларнинг боши узилди. Ниҳоят тилақларимиз вожиб бўлди. Не бахти, Мустақил халқимиз кўлидан тортиб олинган тахту бахтини, қадрият деб аталмиш жаминодир бисотимизни қайтариб берди.

Сизга ёлгон, менга чин, Тангри гувоҳ — фалақининг гурдиши шу аллозда айланмиши орзу қилсам-да, тушимда ҳам қилмаганим. Шўқри, мен бу мўъжизани ўнгимда, ўз кўзим билан кўрдим, унинг неъматларидан баҳраманд бўлишим. Нималарни кўриб, нималардан баҳрамандсан дегувчиларга, мен эришган жами неъматга сен ҳам мўъжизани ўртқот, атрофларингга бир боқ, дегим келарди.

Истиқлол туфайли эришилган мустақиллик аввало менга, сенга, жами ўзбекистонликларга умминсоний ҳурият бериб, миллийлик туйғусини уйғотди. Қарам-қарши синфларга бўлиниш йўқотилди. Ирқий, диний айримлар ҳам йўқ бўлди. Мустақиллик инъом этган бу Ҳурият умумбашарий қонунлар руҳида яшамоқда. Кегаги хусусият таъбири билан бугунги ҳосият неъматларини боён қилмай ўтолмайман. Ўзбекистонда автомобил-мўл бўлади, биринчи теримдаёқ пудратчилар қўлида жарақ-жарақ пул ўйнайди. — Галла мустақиллигига асос солинди, — дейди иқтисодчи олим. — Етти йиллик истиқлол ўтган етми йилнинг чўгини берди — галла мустақиллигига амин яратди, — дейди андижонлик галлакор. — Галла хирмониниш уч ярим миллион тоннага яқинлашди. Яна бир ҳампа қилсак, яқин йилда галлада ҳам мустақил бўламиз!



«Хоразм ипағи» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар донғи республикамизнинг турли бурчакларида маълумо машҳур. Ҳозир корхонада 1000 дан ортиқ ишчи хизмат қилмоқда.



Суратларда: қўли гул тўқувчилар (чапдан) Қувонч Жабборов, Зумрад Қозоқова, Мақсуда Файзуллоева, Зумрад Сафарова ва Каромат Эгамовалар; тайёрлов цехида.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.

**Хатларда ҳаёт бор**  
МАРКАЗ ИШГА ТУШАДИ  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги машиналари инженерлари институтида Ўзкейсервис маркази очилди. Мақсад — талабалар ва виллоятлардан келган мутахассисларни «Кейс» русумли трактор, комбайнларга намунали хизмат кўрсатишни ташкил этиш йўриқлари билан таништириш.

**БАРЧАГА МАНЗУР БЎЛДИ**  
Янги лойиҳа асосида қурилган мактаб барча-барчага манзур бўлди. Негаки, Бувайда туманидаги 19-рта мактаб шаҳардагиларидан асло қолишмайди. Қишлоқ ўқувчилари кенг ва ёруғ синфхоналардан ташқари замонавий техника воситалари билан жиҳозланган яна 17 та маҳсуе фан синфхоналарида илм ўрганишапти.

**НОМИ АБАДИЙЛАШТИРИЛАДИ**  
Буюк муҳаддис олим Имом Бухорий номи у туғилиб ўсган юрда абадийлаштирилди ва бу бўлди. Бухорон шарифда катта китоб (Ҳадис)ни эслатуви, ярим ой шаклида улкан иморат бунёд этилади. Уртасида эса кичик китоб (бошқа асарлар)га ўхшаш, баланд мезморий обиди қад ролгайди. Мутахассисларнинг таъкидлашига қараганда, мажмуа зияратгоҳга айланди.

**ҲОМИЙЛИК**  
Зафаробод туманидаги Собир Раҳимов номи ижара ширкатлар бирлашмаси кам таъминланган, уруш фахрийлари ва ногиронлардан саксон беш рўзгорнинг электр энергияси ва ичимлик суви харажатлари тўловини ўз зиммасига олди.

И. ЖОНУЗОҚОВ.



МЕНДА ТАКЛИФ БОР




КУМ ВА ТУЗНИНГ ЯШИЛ КАЛҚОНИ

кумларни кўчишдан сақлаб, яйловларнинг унумдорлигини 1,5-2,0 баробар оширади. Кўчма кумларда ўрмон ихота-зорларини барпо этиш учун аввало уларнинг устки қисми ҳар хил моддалар билан вақтинчалик маҳкамланади. Бу моддаларга шох-шаббалар, ўтланлар, қамиш, кимёвий моддалар, механик таркиби оғир бўлган тупроқ ва бошқалар кирди. Кимёвий моддалардан нэрозин, сульфатнинг спиртли куйқаси ва бошқалар кўминг устига 0,7-1 м кенгликда сегилиб, 3-3,5 м оралиқ қолдирилади. Шу моддалар билан ишлов берилган кумларнинг устига баҳорда черказ, қандим, саксувуннинг бир яшар кўчатлари машиналар ёрдамида ёки қўлда экилади. Кўчатлар орасидаги масофа 1 м, қаторлар орасида эса 3,5-4 м қолдирилади. Шўрхок тупроқларда жойлашган барханларда ихота ўрмонлари барпо этиш учун унинг шомол эсадиган қиялиги 80-100 сантиметр баландликкача маҳкамланса, максалта мувофиқ бўлади. Бу эса барханлар баландлигининг чорак қисмини ташкил қилади. Шу чорак қисмида барханнын устига механик тўсиқ урнатилиб, февраль-март ойлари уларнинг ёнига кумларни маҳкамловчи буталар кўчати экилади. Механик тўсиқлар ва экилган кўчатлар тўсиқларида барханнын пастки қисми маҳкамланди қолди. Юқориги 3/4 қисми эса шомол тасирини ҳаракатга келиб шўрхок тупроқнинг устини ётади. Шу усулда бархан кумларининг ости қисми маҳкамландида шўрхок тупроқлар устида қалинлиги 60-80 см кум қатлами вужудга келиб яйлов ўсимликлари ўсиши учун яхши шароит яратилади. Тўзлар кум билан ёпилиб атмосферага кўтарилибди ва экологик аҳвол яхшиланади. Текисланган барханлар устида ян-тоқ-қуморжик, селин, сариқти-


М. СОБИРОВ.

Пойтахтимизнинг «Жар спорт саройида Ўзбекистон Президенти соврини учун кураш бўйича ўтказилган халқаро мусобақа республикамиз спорт ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу мусобақада 28 мамлакатдан 40 нафар «манаман» деган донгдор полвонлар қатнашди. Уларнинг орасида Ўзбекистондан Тошмемир Мухаммадиев, Абдуқодир Ширматов, Эрали Мамарасулов, Баҳром Авазов, Алишер Собиров, Камол Муродов, Рустам Эргашев, Хуршид Назаров каби полвонларимиз ҳам бор эди.



ХАЛҚАРО ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

Бош соврин 10 минг АҚШ доллари миқдорига белгиланган бу халқаро полвонлар баҳсида гарчи 1 ва 2-уринлар туркилик Селим полвон Татари уёли ва грузиялик полвон Давид Хохлашвилиларга насиб этган бўлса-да, лекин мустақил республикамиз барибир бу мусобақада алоҳида ютуққа эга бўлди, дейиш мумкин. Негаки, ана шу халқаро полвонлар баҳси тимсолида Ватанимиз оламшумул спорт талбирлари ўтказиш имконияти ва салоҳиятига эга бир мамлакат сифатида оламга яна бир қарра танилди. Бу мусобақада миллий кураш мактабимизнинг истиқболини жаҳон полвонлари кўз унгида намойиш этишга муяссар бўлди. Яқин орада улар бу ўлкада ўзларига тенг ва балки айрича фавлаларга эга кучли рақиблар етишиб чиқишига шаҳсан ишонч ҳосил қилдилар. Бизнинг полвонларимиз эса халқаро кураш баҳслари тажрибасини орттирдилар. Курашда қатнашган айрим полвонларимизнинг дунё миқсидига кучли полвонлар қаторидан ўрин олишга муваффақ бўлганлиги ҳам бизнинг ютуғимиздир.



Жами 12 нафар полвонимиз 43 марта майлонга тушиб, 22 марта галабага эришганлигини ўзи алоҳида таъкидга арзийди. Халқаро полвонлар баҳсининг эртасига «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида 28 мамлакат вакилининг иштирокида Ўзбекистон Президенти соврини учун кураш бўйича биринчи халқаро мусобақа доирасида таъис конгресси бўлиб ўтди ва унда Кураш бўйича халқаро федерация ташкил этилиб, мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов унга фахрий президент этиб сайланди. Конгрессда федерациянинг биринчи президенти ҳам тас-

диқланиб, «Камолот» Республика ёшлар жағармаси раисининг биринчи ўринбосари Комилжон Юсупов шу лавозимга муносиб кўрилди. Конгрессда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати 1999 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Ўзбекистонда ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Президенти соврини учун кураш бўйича халқаро мусобақа ағъанавий бўлиб қолади.

Н. МУСОМОВ, «Халқ сўзи» мухбири. А. РИСКИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

АЛПОМИШЛАР ДАВРАДА

Фарғона вилоятида халқ эпосининг шонаи санасига тайёргарлик қилди. Яқинда бу ерда «Алпомиш ўйналари» вилоят фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль чинакам сайла, миллий спорт турлари ва халқ ўйналари байрамига айланиб кетди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган

КЎПШАБАР

Алпомиш авлодлари тош кўтариш, арғамчи тортиш, кураш мусобакаларида ўз маҳорат ва истеъодларини синдиладар.

ДИАБЕТИКЛАР УЧУН ШИФОХОНА

Қанди диабет аср касалликларидан бири ҳисобланади. Биргина Фарғона вилоятида шундай касалликка чалинган 7000 дан зиёд бемор рўйхатга олинган. Айни кунларда вилоятда уларга

47 та эндокринология кабинети, шифохоналардаги бўлимлар хизмат кўрсатар, лекин вилоятда диабетикларни даволайдиган махсус муассаса йўқ эди. Яқинда Туркiston кўчасида диабетик беморларни даволайдиган махсус шифохона очилди. 60 ўринли бу шифохонанинг бир қисми болаларни даволашга мўлжалланган. Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. САФАРОВ, Л. СПИРИДОНОВ, Р. ФАҲРОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Парламент — 133-57-34;
Хукук ва қонунчилик — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85;
Маънавият — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0329, 27353 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — Э. БОЛИЕВ.
Навбатчи — А. ЖУРАЕВ.
Мусаҳҳих — Ш. МАНРАББОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрирда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топшириди — 22.40
1 2 3 4 5 6

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТА-БАНК»
Оила йили деб эълон қилинган 1998 йилда аҳолига моддий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида омонатларнинг янги турларини тавсия этади.
1998 йил март ойидан бошлаб аҳоли омонатларининг қуйидаги муддатли турлари жорий этилди:
— бошланғич миқдори камида 2000 сўм бўлган «Оқ олтин» омонат тури. Муддати-6 ой. Йиллик тўлов миқдори-30 фоиз. Омонат қўйилган кун ва кейинги ҳар ойда 2,5 фоиздан тўлаб борилади;
— бошланғич миқдори камида 1000 сўм бўлган «Пахтакор» омонат тури. Муддати-3 ой. Йиллик тўлов миқдори-25 фоиз.
«Пахта-банк» бўлимларида амалда бўлган омонат турларига 1998 йил 5 мартдан бошлаб қуйидаги миқдорда фоиз ставкалари белгиланди:
— талаб қилиб олинганча муддатга, йиллик тўлов миқдори-10 фоиз;
— 6 ой муддатга, йиллик тўлов миқдори-30 фоиз, бошланғич омонат миқдори камида 1000 сўм;
— 12 ой муддатга, йиллик тўлов миқдори-36 фоиз, бошланғич омонат миқдори камида 2000 сўм;
— 1 йилдан 3 йилгача муддатга, йиллик тўлов миқдори-40 фоиз;
— 3 йилдан 5 йилгача муддатга, йиллик тўлов миқдори-45 фоиз;
1998 йилининг 5 мартига қадар қабул қилинган омонатлар учун фоизлар омонатчилар билан тузилган шартнома муддати тугагунча аввал белгиланган ставкалар бўйича тўланади.
Ушбу хизмат турларидан фойдаланиш учун «ПАХТА-БАНК»нинг Бектемир бўлимига мурожаат этинг.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ. Бойқаро кўчаси, 4-А уй. Тел.: 195-02-24, 90-31-97, 195-02-98.
Яхши ният билан жамгарган омонатларингиз орзу-ҳавасларингизнинг ушалишига хизмат қилсин!

SIEMENS SIEMENS NIXDORF
15-17 СЕНТЯБРДА РЕСПУБЛИКА МОИ-ХОМИЯВ БИРЖАСИ БИНОСИДА «SIEMENS» ФИРМАСИНИНГ
SIEMENS: Ахборот ва Коммуникация
НОМИН КЎРГАЗМА ПРЕЗЕНТАЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТАДИ
Кўргазмада: шахсий компьютерлар ва серверлар, ахборотларни ишлаб чиқадиган саноят сканерлари, алоқа тармоқлари, одатдаги ва симсиз замонавий телефонлар, ички ишлар органлари учун махсус ечимларини тайёрлайдиган ҳамда яна кўпгина бошқа техник асбоб-қуроллар намойиш этилади. Кўргазма иш олиб бораётган доврада Германиядан келган мутахассислар турли мавзуларда маърузалар қиладилар, шунингдек семинар ва консултациялар уюштирилади.
Кўргазмага Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари ва мутахассислари ҳамда бошқа манфаатдор фирма ва ташкилотлар таклиф этилади.
Кўргазмага соғин 1600 дан 1800 гача имтиёзли мамлакатларнинг иштироки мумкин.
Кўшимча маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг «Siemens» вколатхонасидан: 132-03-14, 40-67-50 телефонлари орқали, ёки Тошкент ш. Толстой кўчаси, 23-уйдан олиш мумкин, шунингдек «Хайтек» - SIEMENS NIXDORF компьютерларини сотиш бўйича ишончли ҳамкор фирмасидан ҳам: 133-48-99, 133-47-99 телефонлари орқали олиш мумкин.

«Лок колор ситтез» ЗАВОДИ
янги арзонлаштирилган нархларда
УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАРИНИ, ФАСАД ЭМАЛЛАРИНИ, МАТЛИ ЭМАЛЛАРИНИ, ШИФТ ВА ДЕВОРЛАР УЧУН БУЁҚЛАРНИ, РАНГСИЗ ЛОК (ПФ 283 га ўхшаш), ШПАТЛЁВКА ВА УНИВЕРСАЛ ЭМУЛЬСИЯ ЕЛИМИ (ПВА га ўхшаш)НИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАВСУМИЙ САВДО
20% ГАЧА ЧЕГИРМАЛАР.
СОТИБ ОЛАМИЗ: сиккатив, ЭЖК, ГЖК 0,25x712x820 ўлчамли ОҚ ТУНУКАЛАРИ.
Манзилимиз: Тошкент, Фарғона йули, 35.
Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41.
Факс: (371) 191-74-63.

Table with 2 columns: Institution Name and Address/Contact Info. Includes entries for 'Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хузуридаги "Жаҳон" ахборот агентлиги', 'Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси', 'Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси', 'Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти ректорати', 'Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси', 'Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси', 'Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси', 'Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси', 'Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси'.